

ХУДОЙБЕРГАНОВА Гулнора
Ўзбекистон халқаро ислом академияси
Диншунослик ва жаҳон динларини
қийёсий ўрганиш ЮНЕСКО
кафедраси катта ўқитувчиси
gulnoraxudoyberganova@iia.uz

ХРИСТИАНЛИКНИНГ ИЛК ДАВРЛАРИДА АСКЕТИК КАРАШЛАР ЭВОЛЮЦИЯСИ

ЭВОЛЮЦИЯ АСКЕТИЧЕСКИХ ВЗГЛЯДОВ В РАННЕМ ХРИСТИАНСТВЕ

THE EVOLUTION OF ASCETIC VIEWS IN EARLY CHRISTIANITY

Аннотация: Рухий амалиёт сифатида аскетизм ўзига хос тарзда деярли барча динларда мавжуд бўлишига қарамай, уларнинг ҳар бири бу ҳолатга (ҳодисага) ўзига хос маъно ва аҳамият беради. Шу билан бирга аскетик ҳолатнинг умумий жиҳатлари ҳам мавжуд.

Мазкур мақолада аскетизм феноменининг христианликдаги эволюцияси таҳлил қилинган. Бу соҳада тадқиқот олиб борган шарқ ва ғарб олимларининг тадқиқотлари асосида христианликдаги аскетизмнинг моҳияти ҳамда унинг йўналишлардаги ўзаро муштарак ва фарқли жиҳатлари очиб берилган.

Калит сўзлар: дин, таҳлил, аскетизм, феномен, яҳудийлик, христианлик, ҳаворийлар.

Аннотация: Несмотря на то, что аскетизм как духовная практика существует почти во всех религиях по-своему, каждая из них придает этому состоянию (явлению) свой смысл и значение. В то же время существуют общие аспекты аскетического состояния.

В статье анализируется эволюция аскетизма в христианстве. Исследования восточных и западных ученых в этой области пролили мало света на природу аскетизма в христианстве, а также на сходства и различия между концепциями течений христианства.

Ключевые слова: религия, анализ, аскетизм, феномен, иудаизм, христианство, апостолы.

Abstract: Despite the fact that asceticism as a spiritual practice exists in almost all religions in its own way, each of them gives its own meaning and

significance to this state (phenomenon). At the same time, there are general aspects of the ascetic state.

This article analyzes the evolution of the phenomenon of asceticism in Christianity. Based on the research of Eastern and West scholars who have conducted research in this field, the essence of asceticism in Christianity is rarely revealed, as well as the commonalities and differences between the concepts of sects of Christianity.

Key words: religion, analysis, asceticism, phenomenon, jewish, Christianity.

КИРИШ

Тадқиқотчилар аскетизмни рухий ва моддий турларга ажратадилар. Рухий аскетизм турли ҳиссий лаззатлардан тийилиш бўлса, моддий аскетизм ўз навбатида замонавий цивилизациянинг муайян афзалликларидан воз кечишни назарда тутди. Аскетизмнинг бу икки тури ўртасида маълум боғлиқликлар кузатилишини инобатга олинса, уни қуйидаги тоифаларга бўлиш мумкин:

- Дунёвий аскетизм – моддий эҳтиёжларга нисбатан;
- Диний аскетизм – диний таълимотлар ва ақидаларга асосланган.

Моҳиятига кўра дунёвий аскетизм ҳаёт ҳақидаги фалсафий ёки шахсий тасаввурларга асосланади. Мисол тариқасида баъзи инсонларнинг маст қилувчи ичимликларни истеъмол қилиш, чекиш, наркотик моддалар, фаст-фуд, қимор ўйинларидан тийилиш мақсадида аскетик ҳаёт тарзини танлашларини айтиш мумкин.

Диний аскетизм маълум бир диннинг меъёрлари ва тамойилларига асосланади. Мавжуд динларнинг барчасида аскетизм у ёки бу кўринишда тарғиб этилади. Умуман олганда барча динларда маълум маънода таъқиқлар мавжуд. Худога маърифат ва яқинлик мазкур чекловларга қатъий риоя қилиш орқали эришилишига ишонилади.

АСОСИЙ ҚИСМ

Рухий амалиёт сифатида аскетизм ўзига хос тарзда деярли барча динларда мавжуд бўлишига қарамай, уларнинг ҳар бири бу ҳолатга (ҳодисага) ўзига хос маъно ва аҳамият беради. Жумладан, христианлик манбаси Библияда аскетик амалиётни маънавий

камолотга эришиш орқали Худонинг иноятига эга бўлишга интилиш сифатида талқин этилади.

Дунё динларини ўрганиш жараёнида аскетик ҳолат буддизмда ҳам учрашини айтиб ўтиш зарур. Буддизмдаги бу жиҳатни тадқиқ этган машҳур олим Говинда Лама Анагарика (Эрнст Лотар Гоффманн, 1898-1985 йй.) фикрича, мукаммалликка етишишда учта даража мавжуд. Биринчи даражада фақат жисмоний азоб, иккинчисида ментал ҳолат, яъни инсонни ҳаётдан кўнгли совиши ва учинчи даражада азобланиш кенг қамровли бўлиб, ўраб турган борлиқнинг ажралмас қисмига айланишдир[4:49].

Буддавийликда аскетизм амалиёти нирванага эришиш учун йўл сифатида кўринади. Аскетлик амалиёти орқали инсон циклик мавжудлик ҳисобланган сансарадан ҳалос бўлиш билан бирга руҳнинг кармик азобларига чек қўйилиши ҳамда маърифатга эришишига ишонадилар.

Буддавий аскетлар цивилизация ва дунёвий завқлардан воз кечиш билан бир қаторда йога ва медитация амалиётини бажарадилар.

Бугунги кунда христианлик анъаналарида монастир тизимини аскетизмнинг замонавий шакли сифатида айтиш мумкин.

Россиялик тадқиқотчи П.А.Корпачев ўз тадқиқотида[5:29] асосий эътиборни I-III асрларда христианликда аскетизмнинг пайдо бўлиши ва ривожланишига қаратган. Унинг фикрича бу даврда кузатилган аскетик фаолият фақатгина роҳиблик анъаналарига тайёрлов босқичи бўлиб чекланиб қолмаган. Зеро, II асрда ҳаворийлар аскетизмига эргашувчилар ва уларнинг кейинги даврлардаги мистик мушоҳада анъаналарига ўтиш жараёнлари христианликда IV асрда кузатилган роҳибликнинг пайдо бўлиши билан боғлиқ ҳолда ўзига хос тайёрлов даври деб қаралган эди [6:127].

А.Корпачевга кўра христиан аскетизми шаклланиши антик давр таназзули ва ўрта асрлар ижтимоий-сиёсий ҳолати билан боғлиқ. Аскетик қарашларнинг илк асосларини ҳаворийлар хабарлари, хусусан, ҳаворийлар Павел, Петр ва Иаков мактубларида учратиш мумкин.

Жумладан, ҳаворий Павлуснинг римликларга йўлланган мактубида қуйидаги

чакириқлар мавжуд:

“...табиатимиз амри билан яшаш учун биз бу табиат талаблари олдида мажбур эмасмиз. Агар ўз табиатингизга маҳлиё бўлиб яшасангиз, руҳан ўлишингиз муқаррар. Лекин агар башарий табиатнинг қилмишларини Руҳ кучи билан ўлдирсангиз, руҳан яшайсизлар” (Рим. 8: 12-13). Бундай ҳаёт тарзининг асосий хусусияти “яхши ишда бардавом бўлиш” (Рим. 2:7-8), “танадаги сезгиларни руҳ билан ўлдириш” (Рим. 8:13) ва “гуноҳ учун ўлим” (Гал. 2:19-20) – аввалги ҳаёт тарзидан қайта тирилган, гуноҳкор истаклардан покланган, “энди мен яшамайман, лекин менда Масих яшайди” (Гал. 2:20). Илк христианликда инсоннинг гуноҳкорлиги ва гуноҳ учун ўлиш кераклиги ҳақидаги мактублар матнида топилган кескин ҳукмларга қарамасдан, ҳаворий Павел баъзан ҳатто аскетизм учун ортикча ғайрат қилишга қарши огоҳлантирган: ёш беваларни турмуш қуриш ва фарзанд кўришини маслаҳат берган (1 Тим. 5:14), ўзининг шогирди Тимофейни қашшоқларча таомланишини тарқ этишга (1 Тим. 5:23) ва бошпанасиз ҳолда юравермасдан, балки Эфесда қолишга чақирган (1 Тим. 1:3).

Шунингдек, христианликда “монах (роҳиб)” тушунчаси мавжуд бўлиб, бу сўз юнон тилидан олинган ҳамда ёлғизлик, ёлғиз яшаш деган маънони англатади. Насронийлик таълимотига кўра, монах (роҳиб) деб, тарки дунё қилиб, ўзини худонинг ибодатига бағишлаган, турмуш қурмаган инсонга қўлланилади. Роҳиблар алоҳида бир шахс учун, шу билан бирга бутун инсоният учун ибодат қилишига ишонишади. Бу одамлар ўзларини бутунлай инсонлар хизмати бағишлашади ва дунёдан воз кечишади.

Христианликда роҳиблик ва монастир тизими асосчиси сифатида Авлиё Антони эътироф этилади. Дастлабки монастирлар III ва IV асрларда Миср ва Шомда шаклланган. Ўша давр роҳибларида аскетик амалиётлар қабристонлар ёки ташландиқ биноларда яшаш, кўп вақтларини ғорларда ва чўлларда ибодат билан ўтказиш каби ҳолатларда намоён бўлган.

III асрда зоҳидликнинг ўзига хос ва янги кўринишларидан бири сифатида бўйдоқлик идеали шаклланди. Унинг назарий асослари ҳаворий Павелнинг I корфагенликларга йўллаган мактубида ифодаланган (I кор.7). Ҳаворий

Павел: “Бўйдоқ Худо ҳақида қайгуради, оилали эса дунё ҳақида” мазмунидаги қарашларини илгари суриб, христианларнинг беташвиш бўлишларини истагини айтади. Бойликка ўчлик Павел томонидан барча ёвузликларнинг илдизи сифатида қаралади. Ҳаворий Иаков ер бойликларини қуёш жазирамасида сочиладиган ўсимликларга қиёслайди [4:29].

IV асрга келиб христианлик Римда бошқа динлар билан тенг мақомни қўлга киритгандан сўнг, кейинчалик эса давлат дини сифатида тан олинishi таъкибларнинг тугатилиши ҳамда христианлар орасида зоҳидлар сонининг ортиши учун туртки бўлди.

ХУЛОСА

Христианлик нуқтаи назаридан, ёмонлик иродани нотўғри мақсадга йўналтиришда ёки инсондаги ҳақиқатга эришиш йўлидаги ирода ва истакнинг етишмаслигидан келиб чиқади. Шунинг учун, инсоннинг хоҳиш-истакларини йўқ қилиш эмас, балки уларни тарбиялаш муҳим саналади.

Бугунги кунда аскетизмни нафақат дин феноменига, балки жамият маънавий ҳаётининг бошқа ижтимоий-маданий ҳодисаларига, масалан, сиёсат билан боғлиқ ҳолда ўрганиш зарурати мавжуд. Аскетик қарашларнинг маданий тараққиётнинг турли даражаларида диний онгининг ўрнини ҳолисона баҳолаш учун ахборот, ижтимоий ва албатта, маданий характердаги тадқиқотларни олиб бориш лозим.

Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати

1. Розанов В.В. Смысл аскетизма. // Розанов В.В. Религия и культура. Т.1. М.: Правда, 1990. С.216-227.
2. Свенцицкая И.С. Раннее христианство страницы истории. М.: Политиздат, 1988. 335с.
3. Хоружий С.С. К феноменологии аскезы. М.: Изд. Гуманитарной литературы, 1998. 352с.
4. Говинда Лама Анагарика. Психология раннего буддизма. Санкт-Петербург. Изд-во Андреев и сыновья. 1993.
5. Корпачев П.А. Аскетизм в христианстве I века. Вестник Челябинского государственного университета, 2016.
6. Корпачев П.А. Аскетическая традиция в христианстве до появления монашества. Научно-технические ведомости СПбГПУ, 2017.
7. Джеймс У. Многообразие религиозного опыта. - М.: Наука, 1993. 230 с.
8. Шиммель А. Мир исламского мистицизма. М., 1999.
9. Хосроев А. Из истории раннего христианства. М.-Минск, 1997.
10. Хасанов А. Макка ва мадина тарихи. – Т.: Меҳнат, 1992. – 80 б.
11. Усмон Турар. Тасаввуф тарихи. Турк тилидан таржимон Нодирхон Ҳасан. – Т.: Истиклол, 1999. – 180 б.
12. Usmonov, Ibrohim (2018) "Muslim altruism ideas in the scientists' writings of Maverannahr," The Light of Islam: Vol. 2018 : Iss. 1, Article 4. Available at: <https://uzjournals.edu.uz/iaau/vol2018/iss1/4>
13. Петрушевский И. П. Ислам в Иране в VII-XV веках. – Л.: Издательство Ленинградского Университета, 1966. – 400 с.
14. Прозоров С. Джахм б. Сафван // Ислам: Энциклопедический словарь. – М.: Наука, 1991. – С. 64.
15. Степанянц М.Т. Философские аспекты суфизма.– М.:Наука, 1987. –190 с.
16. Тримингэм Дж.С. Суфийские ордены в исламе / Перевод с англ. А.А.Ставиской, под ред. и предисл. О.Ф. Акимовской. – М.: Наука, 1989. – 326 с.
17. Khudayberganova G. Анализ феномена аскетизма в учениях мировых религий. Theoretical & Applied Science, 579-58.
18. Khudayberganova G. Asceticism in world religious traditions. The Light of Islam 2018 (4), 23-28.